

Никоҳ шартномаси – оилавий низоларни судгача ҳал қилишнинг муҳим воситаси сифатида

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин оила институтини мустаҳкамлаш ва жамиятда кечаётган ислоҳотларда унинг ўрни ва аҳамиятини ошириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бинобарин, оила институти фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий бўғини бўлиб, ушбу институтни ҳар томонлама ривожлантириш ўз навбатида жамиятнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Бу борада, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, кадр-қимматини англаб етмасдан, оилага миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндашмасдан туриб, халқчил мафкура яратолмаймиз”¹.

Бинобарин, бозор муносабатлари шароитида эр-хотин ўртасида мулкӣ муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилиши ва мустаҳкам ҳуқуқӣ асосга таяниши (хусусан, никоҳ шартномаси орқали), ўз навбатида, никоҳни бекор қилиш натижасида келиб чиқадиган мулкӣ зиддиятларни олдини олишда ҳамда уларни судга қадар ёки суд жараёнида бартараф этиш ва ҳал этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, оилани мустаҳкамлаш ва турли имтиёзлар бериш борасида бир қатор муҳим норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқчилиги, жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оилани мустаҳкамлаш, никоҳнинг барқарор бўлиши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фарзанд тарбиясида ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ ҳуқуқӣ қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 46, 63, 64, 65. 66-моддаларида, Оила кодекси, Фуқаролик кодекслари ва бошқа ҳужжатларда ўз ифодасини топган. 1997 йилнинг “Инсон манфаатлари йили”, 1998 йилнинг “Оила йили”, 1999 йилнинг “Аёллар йили”, 2000 йилнинг “Соғлом авлод йили”, 2001 йилнинг “Оналар ва болалар йили”, 2002 йилнинг “Қарияларни кадрлаш йили”, 2003 йилнинг “Обод маҳалла йили”, 2004 йилнинг “Меҳр – мурувват йили”, 2005 йилнинг “Сиҳат-саломатлик йили”, 2006 йилнинг “Хомийлар ва шифокорлар йили” ва ниҳоят 2007 йилнинг “Ижтимоий ҳимоя йили” деб номланиши биринчи томондан давлатимизда кучли ижтимоий сиёсат олиб борилаётганлигидан далолат берса, иккинчи томондан бу ғоялар замирида инсон тақдири, келажак авлод, оила турганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳозирги кунда республикамызда 26 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Айни маҳалда 6 миллионга яқин оила бўлиб, аҳолининг 98 фоизи ана шу оилаларнинг аъзосидир.

Янги қурилаётган оилаларнинг мустаҳкамлиги ва барқарорлигини ҳамда оилада соғлом муҳитни яратишда амалдаги Оила кодексига олдин мавжуд

* ТДЮИ талабаси

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2001. -Б.23.

бўлмаган “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш” (17-модда), “Никоҳ шартномаси” (29-36 моддалар) каби бир қатор институтларнинг киритилиши муҳим аҳамият касб этди. Бинобарин, мазкур нормалар бугунги кунда оилавий конфликтларни бартараф этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, никоҳ шартномаларини тузиш тарихи минг йилликларга бориб тақалади. Қадимги Рим ва Юнонистонда оила қураётган шахслар энг аввало, ўзларининг мулкӣ муносабатларини қандай бўлишлиғи ҳамда келажакда биргаликда орттирилган мулкни мерос қолдириш билан боғлиқ масалалар тўғрисида келишувлар имзолаганлар. Ушбу ҳолат христианлик юзага келгунга қадар амалда бўлиб келган. Кейинги даврларда никоҳга кирувчилар ўртасидаги “муқаддас иттифок” фақат черков томонидан расмийлаштирилган ва тартибга солинган.

1932 йилда Муғ тоғидан топилган нодир ҳужжатлар мажмуаси орасидаги VII-VIII асрларда тузилган никоҳ гувоҳномаси бизнинг мамлакатимизда ҳам никоҳ шартномасини тузиш амалиёти минг йиллар олдин мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Хусусан, мазкур битимда оила ва никоҳ шартлари, оилавий мулкӣ муносабатлар, никоҳланаётган шахсларнинг ўзаро ва ҳар бирининг иккала томон қариндошлари билан муносабатлари, айниқса, куёвнинг келин қариндошлари олдидаги мажбуриятлари ҳақида қимматли тарихий маълумотлар бор. Ҳужжатда Уттегин исмли турк йигит билан Дуғдунча исмли (Чата лақабли) сўғд аёли ўртасида тузилган никоҳ қайд қилинган. Битимга асосан Уттегин севимли ва ардоқли хотин сифатида уни қабул қилиб, озиқ-овқат, кийим-кечак, зебу зийнат билан таъминламоши ва ҳурмат-иззат қилмоши лозим эди. Ўз ўрнида Дуғдунча ҳам Уттегинни севимли ва ардоқли эр сифатида тутмоши, унинг бахтли турмуши ҳақида қайғуриши ва унинг буйруқларини қонун каби бажариши лозим эди.

Европада никоҳни расмийлаштириш институтининг қайта тикланиши XVIII асрнинг охирлари ва XIX асрнинг бошларига тўғри келади. Айнан ушбу даврда қитъада бозор муносабатларининг ривожланиши ушбу институтнинг қайта тикланишида муҳим рол ўйнади. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунга келиб, дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларида оила қураётган шахслар ўртасида никоҳ шартномасини тузиш амалиёти кенг тарқалган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг олиё қадрият сифатида тан олинishi ўз навбатида ушбу институт мамлакатимизда ҳам жорий этилишига олиб келди. Шу ўринда қайд этиш лозимки, миллий ҳуқуқ тизимимизда никоҳ шартномаси тузишнинг ҳуқуқӣ асослари қарор топган бўлишига қарамасдан, ижтимоӣ воқелигимизда ушбу институт ўзининг ифодасини тўлиқ топган деб бўлмайди.

Бизнингча, никоҳ шартномаси тузишнинг кенг тарқалмаётганлигига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

- қонунчиликда никоҳ билан боғлиқ масалалар анча кенг тартибга солинганлиғи ва бунинг натижасида эр-хотин ўртасидаги муносабатларни никоҳ шартномаси асосида тартибга солишнинг зарурати кам деб ҳисобланиши;

- никоҳ шартномаси тузиш анъаналарининг ва бу борадаги суд амалиётининг деярли йўқлиги;

- тегишли ҳуқуқ нормаларининг шартнома нормаларига нисбатан устуворлиги;

- никоҳ шартномаси — эр-хотинларнинг тўлиқ тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш воситаси бўлсада, амалда аёллар эркакларга нисбатан муайян маънода бўйсунуш ҳолатида эканлиги;

- бир томоннинг никоҳ шартномаси тузиш тўғрисидаги таклифи кўп ҳолатларда иккинчи томонда оиланинг умрбод ва барқарор давом этишига ишончсизлик келтириб чиқариши мумкинлиги;

- оила қурувчилар ота-оналарининг никоҳ шартномасини муайян жиҳатдан қабул қилмасликлари.

Албатта, бунда халқимизнинг ўзига хос менталитетини ҳамда оила қураётганда уни мустаҳкам бўлиши ва умрбод давом этишини назарда тутилиб никоҳ тузилишини эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. Шу билан бирга, турли хил объектив ва субъектив сабаблар асосида оилавий конфликтлар юзага келаётганлигини ва бунинг оқибатида никоҳни бекор бўлиш ҳолатлари кўпайиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Бундай шароитда конфликтли жараённинг бир мунча тинч йўл билан кечиши, бунда томонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши, мулк билан боғлиқ муаммоларни ўзаро келишув асосида ҳал этилишида никоҳ шартномасини тузишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Европа давлатлари қонунларидан фарқли ўлароқ, республикамиз қонунчилигида бундай шартноманинг фақат мулкка (мулкӣ ҳуқуқларга) нисбатан тузилиши назарда тутилган. Эр-хотинларнинг шахсий муносабатларини тартибга солишга қаратилган никоҳ шартномасидаги шартлар ҳақиқӣ эмас деб топилади.

Мазкур институтни ҳаётга кенг тадбиқ этиш учун оила қураётган фуқароларни ҳуқуқӣ онги ва маданиятини юксалтириш, бунда тегишли қонунчилик асосида эр-хотин ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хусусан, никоҳ шартномасини тузиш тартиблари, шарт-шароитлари, оқибатлари юзасидан кенг қамровли тарғибот ишларини юритиш муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан олганда, бу борада тегишли қўлланмалар яратиш, “оила одоби” ва “оила ҳуқуқи” курсларини таълим муассасаларида ўқитиш, маҳаллаларда тегишли тадбирлар уюштириш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Демак, мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини ҳисобланган оила институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, оилани жамият ҳаётидаги ўрнини ҳамда унинг маънавий ва тарбия ўчоғи сифатидаги аҳамиятини ошириш узлуксиз ва тизимли жараён эканлигини унутмаслигимиз лозим.